

УЗУМЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ҚИЛИШДА МАВЖУД МУАММОЛАР ЕЧИМИ

Ибрагимов Мансур Мардонович – СамИСИ “Бошқа тармоқларда
бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, и.ф.н.

Аннотация

Мақолада мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида узумчиликнинг ўрни, уни етиштириш ва экспорт қилишда иқтисодий кўрсаткичлар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш имкониятлари тадқиқ этилган.

В статье рассматривается роль виноградарства в сельском хозяйстве страны, экономические показатели производства и экспорта винограда, имеющие проблемы и пути их решения.

The article examines the role of viticulture in the agriculture of our country, economic indicators of its cultivation and export, existing problems and the possibilities of their elimination.

Калит сўзлар: узумчилик, маҳсулот етиштириш, экспорт, маркетинг, логистика.

Ключевые слова: виноградарство, производство, экспорт, маркетинг, логистика.

Key words: viticulture, production, export, marketing, logistics.

Республикаимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, ички бозорни сифатли мева-сабзавот ва узумчилик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида агросаноат мажмуида етакчи тармоқлардан бири ҳисобланган мева- сабзавотчилик ва узумчиликни янада ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бу тармоқ аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, саноат корхоналарини эса хомашё ресурсларига бўлган талабини узлуксиз қондириш имкониятини бериши билан биргаликда маҳсулотлар экспорти натижасида валюта тушумларининг бир манбаси ҳамдир. Қолаверса, Ўзбекистон боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари етиштириш учун салоҳияти юксак давлат бўлиб ҳисобланади.

Узум етиштириш, уни қайта ишлаш ва экспортга йўналтириш буйича мамлакатимиз фақатгина Марказий Осиёда эмас, балки бутун дунёда юқори табиий-экологик салоҳиятга ҳамда деҳқон ва боғбонларимизда тўпланган бой тажриба ва кўникмаларга эга бўлган мамлакат ҳисобланади.

Тармоқнинг бу салоҳиятини сақлаб олиш ва ошириб боришга кейинги йилларда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса узумзор майдонларини кенгайтириш, эскирган кам ҳосилли токзорларни реконструкция қилиш мақсадида олиб борилаётган ташкилий ислохотлар, шунингдек, интенсив технологияларни қўллаш орқали токзорлар ҳосилдорлигини оширишга эътибор қаратилиши натижасида кейинги йилларда ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, хусусан узум етиштириш ҳажми 3 баробар, қайта ишланган виночилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 4 баробар, экспорт қилинган узум маҳсулотлари деярли икки баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин.

Ҳозирда мамлакатимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, узум

маҳсулотларининг 80% атрофида қисми аҳоли истеъмоли эҳтиёжлари учун, 14% саноатда қайта ишлаш учун ишлатилиб, қолган қисми экспортга ва уруғчиликка йўналтирилмоқда.

Ўзбекистонда 2022 йилда хорижга қиймати 216,6 млн млн долларга тенг бўлган 245,2 минг тонна узум экспорт қилинди, бу 2021 йил кўрсаткичларига нисбатан 41,6 минг тоннага кўпдир. Жумладан, Россияга 140 минг тонна, Қозоғистонга 48,8 минг, тонна Қозоғистон — 16,7 минг тонна, Хитойга 7,3 тонна, Туркияга 5,9 тонна узум экспорт қилинди.

Республикада узумчилик тармоғининг ривожланиши, узумчилик тармоғи самардорлигининг ўсиши билан биргаликда узум ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини экспорт қилиш, жаҳон бозори талабларига мос, рақобатбардош маҳсулотларни етиштиришда ечимини кутаётган баъзи муаммолар мавжуд. Жумладан:

- узум етиштириш ва уни сақлаш, маҳсулотни етказиб бериш билан боғлиқ инфратузилманинг сони, қуввати, жойлашуви ҳамда хизмат кўрсатиш сифатининг талаб даражасида эмаслиги;

- узум ва узумчилик маҳсулотларни экспорт қилишда транспорт логистикаси ноқулайлиги сабабли, бозор географиясини кенгайтириш имкониятининг чекланиб қолаётганлиги;

- ривожлаган давлатлар, хусусан Европа иттифоқи бозорларига чиқиш учун халқаро сифат стандартларининг жорий этилмаганлиги;

- узум етиштирувчилар ва уни қайта ишловчилар учун малакали мухатассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш тизими самардорлиги пастлиги, қуйи тизим талаблари асосида кадрлар тайёрланмаслиги;

- узум ва узум маҳсулотларни алоҳида ташқи бозорларнинг хусусиятларига кўра сегментларга ажратилган ҳолда ўрганишга йўналтирилган маркетинг тадқиқотларининг етарли эмаслиги шулар жумласидандир.

Ушбу муаммолар натижасида узумчилик маҳсулотлари савдосида тебранишлар, ички бозор талабларига мослашиш каби ҳолатлар кузатилиб бормоқда.

Республикада 2010 йилда жами 979,3 минг тонна узум етиштирилган бўлса, 2015 йилда 1518,2 минг тонна ва 2021 йилга келиб 1800,0 минг тонна ёки 2010 йилга нисбатан 83,8 фоиз кўп узум етиштирилган.

Узум етиштиришнинг бу ўсиш кўрсаткичлари узумни қайта ишлаш ва энг асосийси узум ва уни қайта ишлаш маҳсулотларини экспорт қилиш масалаларини долзарблаштиради. Бу муаммолар ўз вақтида ечимини топмаса, у маҳсулот баҳосига ўз таъсирини ўтказиб, маҳсулот етиштирувчилар даромадига салбий таъсир қилади.

Мамлакатимизда узум экспортининг ҳолатига эътибор қаратадиган бўлсак, 2022 йилда қиймати 216,6 миллион АҚШ долларига тенг бўлган 245,2 минг тонна узум хорижга экспорт қилинди. Бу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 41,6 минг тоннага кўп. Узум экспортининг энг кўп улуши Фарғона (67,7 минг тонна), Самарқанд (46,4 минг тонна), Тошкент (30,8 минг тонна), ва Сурхондарё (22 минг тонна) вилоятлари ҳиссасига тўғри келди.

2022 йилда юртимимбзда етиштирилган узум ҳосилининг 140 минг тоннаси Россия Федерациясига, 48,8 минг тоннаси Қозоғистонга, 7,3 минг тоннаси Хитойга ва 5,9 минг тоннаси Туркия давлатига экспорт қилинган.

Юқоридаги таҳлиллардан кўринадики, Республикамизда узумчилик тармоғининг ресурс салоҳияти юқори ва ҳали тўлиқ фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Тармоқда мавжуд ресурс ва имкониятлардан тўлиқ, тўғри ва оқилона фойдаланилиши натижасида жаҳон бозорида мустаҳкам ўрин эгаллашимиз мумкин. Бунинг учун қуйидаги масалаларга эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

- узум ва уни иқайта ишлаш маҳсулотларини экспорт географиясини кенгайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини кучайтириш, маркетинг, сотиш ва логистика бўйича юқори малакали кадрлартайёрлашни йўлга қўйиш;

- узумни сақлаш, қайта ишлаш ва етказиб бериш инфратузилмасини ривожлантириш, бунда қўшни давлатлар билан чуқур интеграцияни таъминлаш;

- халқаро сифат кўрсаткичларини узумчилик соҳасига жорий этиш билан халқаро бозорга рақобатбардош маҳсулот етказиб бериш;

- экспорт қилишда юзага келаётган муаммо ва маҳсулот сифат кўрсаткичларида камчиликлар аниқланганда ўз вақтида таъсирчан чоралар қўллаш ва бошқалар.

Хулоса қилиб айтганда, узумчилик мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири бўлиб, тармоқда йилдан-йилга маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўсиб бормоқда. Шу сабабли, эндиликда экспорт ҳажмини ошириш борасида ишлашимиз, бунинг учун ташқи бозор талабларига тез мослаша оладиган ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш тизими яратилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 мартдаги “Мева-сабзавотчилик соҳасида қишлоқ хўжалиги кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

2. Инобатов А. Ўзбекистонда узумчилик соҳасини ривожлантиришнинг иқтисодий асослари Biznes-daily.uz 11.11.2019.

3. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлиги маълумотлари

4. stat.uz

5. Kun. uz